



СПОРТ МУСОБАҚАЛАРИДА КЕЛИШИЛГАН ЎЙИНЛАРГА ҚАРШИ КУРАШГА ОИД ҲОРИЖ ТАЖРИБАСИ

Бахтиярова Севара Равшан қизи

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.10612572>

ARTICLE INFO

Received: 26th January 2024

Accepted: 30th January 2024

Online: 31th January 2024

KEY WORDS

Спорт, коррупция, жавобгарлик, келишилган ўйин, ўйин мусобақаларини манипуляция қилиш, пора бериш ва олиш, ФИФА, УЕФА, EPAS, ICSS, IPACS.

ABSTRACT

Мақолада спорт мусобақаларида келишилган ўйинларга қарши курашга оид хорижий давлатларнинг норматив ҳуқуқий ҳужжатлари, қўлланиладиган жазо чоралари қиёсий таҳлил этилиб, жинойят иши ҳолатларидан мисоллар келтирилган.

Спорт нафақат соғлом турмуш тарзи, балки бутун дунё бўйлаб миллионлаб одамларни қамраб оладиган муҳим ижтимоий ва иқтисодий соҳадир. Спорт жисмоний ва маънавий маданиятни ривожлантиришга, қадриятлар ва ўзига хосликни шакллантиришга, халқаро ҳамкорлик ва тинчликни мустаҳкамлашга ёрдам беради. Бироқ, спорт ҳам жиддий муаммоларга дуч келмоқда, улар орасида энг кенг тарқалган ва хавфлиларидан бири коррупция ҳисобланади.

Аҳоли ўртасида спорт мусобақаларининг оммавий тусга эгаллиги, ушбу соҳадаги катта молиявий сармоялар ва давлат имижига бевосита таъсир кўрсатиш имконияти бугунги кунда спорт соҳасида коррупция ва келишилган ўйинларнинг ўзига хос кўринишлари пайдо бўлиши учун шароит яратмоқда. Спорт соҳасидаги коррупция давлатнинг иқтисодиёти, сиёсати, маданияти, қонунчилик тизими ва хавфсизлигига таъсир қилувчи омил ҳисобланади.

Спорт соҳасидаги коррупция бир нечта кўринишларда учрайди, улардан энг асосийлари келишилган ўйин, мусобақа натижаларини манипуляция қилиш, раҳбарлик лавозимларига тайинлашда, маблағларни тақсимлаш вақтида, трансляция ҳуқуқини беришда, реклама шартномалари тузиш вақтида, йирик спорт мусобақаларини ўтказувчи давлатларни аниқлаш вақтидаги коррупция ва бошқалар.

Спорт соҳасидаги коррупция ва келишилган ўйинларга қарши кураш мазкур ноқонуний хатти-ҳаракатларни қонунчиликка жорий этиш, тегишли нормаларда акс эттириш, унга аниқ ва тушунарли таъриф беришдан бошланади. Ҳозирда “келишилган ўйин”, “ўйин натижаларини манипуляция қилиш”, хусусан “спорт мусобақасини



манипуляция қилиш” тушунчаси ва унга жавобгарлик қонунчилигимизда айнан белгилаб ўтилмаган.

БМТнинг гиёҳвандлик ва жиноятчиликка қарши кураш бошқармаси томонидан 2020 йилнинг июнь ойида иштирокчи давлатлар ўртасида ўтказган сўровномаси ва очиқ маълумотларга асосланган ҳисобот натижаларига кўра, 45 та давлат юрисдикциясида спорт мусобақаларини манипуляция қилиш алоҳида жиноят сифатида белгиланган - бу кўрсаткич ўтган йилларга нисбатан сезиларли даражада ўсган бўлиб, жумладан 2016 йилда 25 та, 2013 йилда эса атиги 5 та давлат юрисдикциясида кўзда тутилган. Тегишли нормалар қуйидаги давлатларнинг қонунчилигида акс эттирилган: Австралия, Озарбайжон, Албания, Жазоир, Аргентина, Арманистон, Болгария, Бразилия, Венгрия, Германия, Греция, Грузия, Дания, Исроил, Испания, Италия, Кипр, Қирғизистон, Хитой, Латвия, Литва, Мальта, Молдова, Намибия, Янги Зеландия, Парагвай, Польша, Португалия, Россия Федерацияси, Сальвадор, Сан-Марино, Шимолий Македония, Словакия, АҚШ, Туркия, Украина, Уругвай, Филиппин, Франция, Швейцария, Швеция, Шри-Ланка, Жанубий Африка, Жанубий Корея, Япония[1].

Спорт мусобақаларини манипуляция қилишга қарши кураш аниқ қонун ҳужжатлар билан белгиланмаган давлатларда тегишли ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликка тортиш бошқа нормалардан фойдаланган ҳолда амалга оширилади, хусусан:

- порахўрлик (13 та юрисдикция);
- фирибгарлик (8 та юрисдикция);
- давлат ва хусусий сектордаги коррупция (7 та юрисдикция);
- уюшган жиноятчилик (6 та юрисдикция);
- букмекерлик идорасида ноқонуний пул тикиш ва фирибгарлик (5 та юрисдикция);
- жинойи даромадни легаллаштириш (4 та юрисдикция);
- ёрдамчилик ва далолатчилик (3 та юрисдикция);
- лавозимни/ваколатни суиистеъмол қилиш (2 та юрисдикция - Руминия ва Косово);
- ноқонуний пул орттириш, даромад ва солиқ билан боғлиқ фирибгарлик (1 та юрисдикция - Буюк Британия);
- давлатга хиёнат (1 та юрисдикция - Непал).

Спорт мусобақасини манипуляция қилиш алоҳида жиноят сифатида белгиланмаган давлатларда, ушбу хатти-ҳаракатлар пора олиш/бериш, мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиш, фирибгарлик, пул маблағларини легаллаштириш, уюшган жиноятчилик ва бошқалар каби нормалар билан жавобгарликка тортилади. Мисол учун, Люксембургда коррупцияга оид қонунчиликнинг умумий қоидалари спорт соҳасидаги порахўрлик ҳолатларига ҳам тегишли; Қўшма Штатларда спорт мусобақаларини манипуляция қилиш, бошқа пора билан боғлиқ нормалар билан бир қаторда, почта ва электрон воситалар ёрдамида амалга оширилган фирибгарлик каби квалификация қилиниб, хусусий сектор коррупцияси қонунларига мувофиқ жазоланади; 2019 йилда Швецияда Апелляция суди нигериялик собиқ халқаро футболчинини мусобақаларни манипуляция қилишга урингани учун жавобгарликка тортиди ва уни давлат Жиноят кодексининг 5-бўлимига биноан пора олишга уриниш нормаси билан айблади; Австрияда спорт мусобақаларини манипуляция қилиш



ҳолатлари фирибгарлик ҳисобланади, жумладан етказилган зарар катта миқдорда бўлса ҳам (5 минг евродан ортиқ).

Спорт соҳасидаги коррупция ва келишилган ўйинларни аниқлаш, фош этиш ва шахсларни жавобгарликка тортиш учун уларнинг айбини исботлаш энг мушкул вазифалардан биридир. Баъзи давлатлар тегишли текширувларни ўтказиш учун махсус тузилмалар ташкил қилмоқда.

Масалан, 2020 йил феврал ойида Кипр ҳукумати футбол ўйинларидаги коррупцияга қарши кураш соҳасидаги қонунчиликни ишлаб чиқиш Кўмитаси ташкил этилганлигини, шунингдек, ўйинларни текшириш бўйича полиция бўлинмаси кадрлар фаолияти кучайтирилишини эълон қилди. Мазкур чора-тадбирлар Европа футбол ассоциациялари иттифоқи (УЕФА) томонидан Кипр футбол ассоциациясига 2019 йил сентябрь ойидан ўтказилган келишилган ўйин деб тахмин қилинган олти футбол матчи бўйича ҳисобот юборилганидан сўнг амалга оширилди, чунки мазкур матч натижаларига шубҳали катта миқдорда пул тикилган бўлган. Кипр футбол ассоциацияси фахрий президенти ва УЕФА ижроия қўмитасининг собиқ вице-президенти Мариос Лефкаритиснинг сўзларига кўра, 2011 йилдан УЕФА Кипр футбол ассоциациясига 75 та келишилган матч ҳақида маълумот тақдим этган[2].

Спорт соҳасидаги коррупция ва келишилган ўйинларни аниқлаш ва фош этиш қанчалик қийин бўлмасин, ушбу муаммога ечим топишда энг самарали усуллардан бири нотижорат ташкилотлар билан ҳамкорлик ва журналистик суриштирувнинг жорий этилишидир.

Шундай халқаро ташаббуслар мавжудки, улар фуқаролик жамияти ташкилотлари иштирокини истисно этмайди, аксинча, улар билан кенг ҳамкорликни амалга оширади, шулар жумласига, Спорт бўйича кенгайтирилган қисман келишув (Enlarged Partial Agreement on Sport - EPAS), Спорт хавфсизлиги бўйича халқаро марказ (The International Centre for Sport Security - ICSS), Спортда коррупцияга қарши халқаро ҳамкорлик (International Partnership Against Corruption in Sport - IPACS), "Play the Game" ва бошқалар.

2017 йилда Европол Испания ҳуқуқ-тартибот идоралари билан биргаликда келишилган ўйинларни ташкил қилишда гумон қилинган испаниялик теннисчига қарши терговни бошлади, натижада 2019 йилда арман жиноий гуруҳи томонидан кўп йиллар давомида амалга оширилган схема фош этилди, мазкур жиноий гуруҳ ўз ичига бирданига испаниялик 28 нафар профессионал теннисчини қамраб олган (ҳозирги кунга қадар улардан 15 нафари жиноий жавобгарликка тортилган)[3].

Сўнгги йилларда энг кўзга кўринган коррупция можароларидан бири "ФИФА-гейт" воқеаси бўлди. 2015 йилнинг май ойида ФИФАнинг бир неча ўнлаб амалдаги ходимлари умумий қиймати 150 миллион доллардан ортиқ пора олаётганликда гумонланиб ҳибсга олинди. Иш материалларига кўра, коррупциянинг мақсади жаҳон чемпионати ўтказиладиган мамлакатларни танлаш бўлган. Ҳаммаси бўлиб 18 нафар жисмоний шахс ва иккита корхона жавобгарликка тортилди. Ишнинг қизиқарли хусусиятларидан бири, АҚШ ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан экстратерриториал таъсирга эга бўлган коррупцияга қарши қонун ҳужжатларини, хусусан, ноқонуний ҳаракатлар натижасида олинган капитални инвестициялаш учун жазони назарда тутувчи "Рэкет ва коррупцияга мойил ташкилотлар тўғрисида"ги қонуни (RICO) қўлланилиши бўлди. 2020 йил апрел



ойида АҚШ Адлия вазирлиги ташкилот ижроия қўмитаси мансабдорларига футбол бўйича жаҳон чемпионатини Россияда (2018 йилда) ва Қатарда (2022 йилда) ўтказиш қарорларини қўллаб-қувватлаганликлари учун пора олганликда айблов қўйганини эълон қилган эди.

Спорт соҳасидаги коррупция ва келишилган ўйинларга қарши курашда жавобгарликнинг жазо чоралари қатъий бўлиши – самарали кўрсаткичлардан биридир.

Спорт соҳасидаги коррупцияга қарши курашда турли мамлакатлар томонидан қўлланиладиган жазо чоралари, кўп ҳолларда тегишли жарима ва қамоқ жазосидан, ҳаттоки умрбод қамоқ жазо чорасигача (умрбод қамоқ жазо чора нормалари Миср, Индонезия, Лаос, Палау, Жанубий Корея, АҚШ, Вьетнам, Филиппин, шунингдек, Фаластин давлатлари қонунчилигида) мавжуд. Бундан ташқари, ҳукумат айбдор шахсларни нотўғри олинган имтиёзларни қайтаришга мажбур қилиши мумкин. Баъзи давлатларда сиёсий ёки сайлов ҳуқуқлардан маҳрум қилиш (Колумбия, Конго Демократик Республикаси, Мозамбик), шартномалар тузиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш (Эфиопия, Филиппин, Испания), давлат ёки баъзи хусусий лавозимларни эгаллаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш, эркин ҳаракатланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш (Лихтенштейн, Украина, Польша, Тожикистон, Россия Федерацияси) ва профессионал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш (Мексикада - 14 йилгача, Никарагуада - қамоқ муддати давомида, Аргентинада – ҳаттоки доимий муддатга тақиқ ўрнатиш чорасигача).

Спорт соҳасидаги коррупция жиддий ва мураккаб масала бўлиб, уни аниқлаш, фош этиш, тергов қилиш ва олдини олишда комплекс ва мувофиқлаштирилган ёндашув талаб этилади.

References:

1. Н.С.Горбачева. Противодействие коррупции в спорте: доклады УНП ООН и IPACS //Антикоррупционный центр НИУ ВШЭ. 01.12.2021 г.
2. Коррупция в спорте и меры по борьбе с ней. – 2021. //https://anticor.hse.ru/main/news_page/korrupsiya_v_sporte_i_mery_po_borbe_s_ney
3. Коррупция в спорте и меры по борьбе с ней. //Антикоррупционный центр НИУ ВШЭ. – 13.04.2020 г.